

АРМдан фойдаланиш қоидалари

1. Умумий қоидалар

1.1. Ахборот-ресурс маркази (АРМ) нинг фаолияти демократия, инсонпарварлик, барча учун очиклиги, умуминсоний қадриятлар устунлиги, фуқароликни таъминлаш, шахсинг эркин ривожланиши принципларига асосланган.

1.2. АРМдан фойдаланиш бепул, АРМ томонидан кўрсатиладиган пуллик хизматларнинг алоҳида турлари рўйхати, уларнинг қиймати қонуний тартибда белгиланади.

2. АРМнинг асосий вазифалари

2.1. Универсал ахборот ресурслари, миллий ва хорижий нашрлар (босма, аудиовизуал, электрон ва бошқ.) фондининг шаклланиши, сақланишини таъминлаш.

2.2. Фойдаланувчиларга АРМда ҳамда ўз худудидаги Ахборот-кутубхона маркази (АКМ)да мавжуд ҳужжатлар ва бошқа материалларни олишни таъминлаш.

3. Фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. АРМдан фойдаланиш ҳуқуқи фуқаролиги, ёши, социал ва бошқа келиб чиқишидан қатъий назар АРМ худудида яшовчи барча аҳолига, шу жумладан ишлаб чиқариш, корхоналар ва ташкилотларга берилади. Бу ҳуқуқ ахборот ресурслари билан тўлдиришнинг кенг қамровлиги, ахборотларни автоматлаштирилган тарзда узатиш, шу жумладан кутубхоналараро абонемент, ҳамда кутубхона-ахборот хизмати кўрсатишнинг бошқа шакллари орқали таъминланади.

3.2. Фойдаланувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- АРМ фондидан керакли ҳужжатларни вақтинчалик фойдаланишга олиш;
- АРМ томонидан кўрсатиладиган маълумот-ахборот, библиографик ва бошқа хизмат турларидан фойдаланиш;
- АРМ томонидан ўтказиладиган ахборот - оммавий тадбирларида иштирок этиш;
- АРМнинг жамоат кенгашига сайлаш ва сайланиш;

3.3. АРМга аъзо бўлиш учун фойдаланувчилар шахсни тасдиқловчи ҳужжат(паспорт) ёки унинг ўрнини босувчи бирон-бир ҳужжат, керакли нусхада расм ва рўйхатга олиш учун керакли маълумотларни тақдим этади.

3.4. Фойдаланувчиларга бир марталик фойдаланиш учун бериладиган ҳужжатлар сони, АРМ томонидан алоҳида тартибга солинади.

Кам нусхадаги ва қимматбаҳо нашрлар ҳамда ҳужжатлар, шу билан бир қаторда нашр этилмаган материаллар, фойдаланувчиларга ўрнатилган тартибда тақдим этилади.

3.5. АРМ фондида мавжуд бўлмаган ҳужжатларнинг нусхасини фойдаланувчилар ўз худудидаги АКМлардан олиши мумкин.

3.6. Фойдаланувчилар АРМдан олган ҳужжатлар ва бошқа материалларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишлари шарт.

Ҳужжатларни ва бошқа материалларни олиш чоғида фойдаланувчи уларни синчковлик билан текшириб, камчиликлар аниқланса, АРМ ходимиغا хабар бериши лозим.

3.7. АРМ фондига зарар етказган шахслар, қонунга биноан жиноий ёки бошқа жавобгарликка тортилади.

3.8. АРМ фондидан ҳужжатлар ва материалларни йўқотган ёки унга қайта тиклана олмайдиган даражада зарар етказган фойдаланувчилар, АРМ ходимлари томонидан тан олинган тенг қийматли ўрнига-ўрин ҳудди шундай ҳужжат ва материаллар билан ўзгартиришлари (шу жумладан, нусхалари билан), имконсиз ҳолларда уларнинг қиймати 5 баробар нархларда ундирилади. Кўп миқдорлик (бир неча баробар кўп миқдордаги тўлов) амалдаги белгиланган ҳужжатлар асосида йўқотилган ва зарар кўрган нашрларнинг баҳосидан келиб чиққан ҳолда АРМ ходимлари ёки жалб этилган мутахассислар томонидан аниқланади.

3.9. АРМдан фойдаланиш қоидаларини бузган фойдаланувчилар маълум муддатга раҳбарият томонидан ўрнатилган АРМ дан фойдаланиш ҳуқуқидан махрум этилиш-лари мумкин.

4. АРМнинг фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш бўйича мажбуриятлари

4.1. АРМда мавжуд ҳужжатлар ва материалларнинг сақланишини таъминловчи ўрнатилган қоидалар асосида улардан фойдаланишни, сақлашни ва ҳисобот ишларини амалга ошириш; маълумот-библиография аппаратини, шу жумладан электрон каталогни юритиш; тавсиявий библиографик қўлланмаларни ишлаб чиқиш.

4.2. АРМ мажбур:

- фойдаланувчиларга АРМда ва унинг ҳудудидан ташқарида барча турдаги ахборот-ресурсларидан фойдаланишни таъминлаши;
- фойдаланувчиларнинг талабларини ўрганиш ва тўлиқ қондириб бориш;
- кутубхоначилик, библиография, маълумот-ахборот хизматини мукамаллаш мақсадида фойдаланувчилар билан ишлашнинг турли индивидуал ва гуруҳли шаклини қўллаш;
- фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишда юқори маданиятлилик ва касб маҳоратини таъминлаш, зарур ҳужжатлар ва материалларни қидириш ва олишда керакли ёрдам кўрсатиш;
- фойдаланувчиларнинг ахборотларга бўлган қизиқиш ва талабларини ўрганиш асосида ахборот ресурсларини турли ташиш қурилмаларида тақдим этган ҳолда кутубхона-ахборот хизматини амалга ошириш;
- керакли ахборотларни мустақил равишда излашни ўргатиш бўйича кўникмаларни ривожлантиришни амалга ошириш учун шароитларни яратиш;
- фондларда керакли ҳужжатлар ва материалларнинг етишмаслиги ҳолатларида, уларни кутубхоналараро абонемент, шу жумладан халқаро қидириш тизими орқали фойдаланувчиларга етказиш;
- оммавий тадбирларни юқори даражада ўтказиш;
- АРМнинг ижобий қиёфасини яратишга кўмаклашиш, АРМ томонидан кўрсатиладиган хизматларни ва фондларни тарғиб қилиш, фойдаланувчиларнинг талабларини ўрганиш ва уларнинг хоҳишларини инобатга олган ҳолди янгидан-янги хизмат турларини яратиб бориш.